

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА САРВИНОЗ ҲИКМАТОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЭПИК КЎМАКЧИ**  
**ТАЛҚИНИ СПЕЦИФИКАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**УДК: 82-91(=111=512.133)-13**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology**

**Ахмедова Сарвиноз Хикматовна**

Инглиз ва ўзбек фольклорида эпик кўмакчи талқини спецификаси ..... 5

**Ахмедова Сарвиноз Хикматовна**

Особенности интерпретации эпического помощника в английском и узбекском фольклорах..... 25

**Axmedova Sarvinoz Hikmatovna**

Particularity of the Interpretation of Epic Helper in English and Uzbek Folklore. 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 51

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА САРВИНОЗ ҲИКМАТОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЭПИК КЎМАКЧИ**  
**ТАЛҚИНИ СПЕЦИФИКАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.PhD/Fil1132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Ўраева Дармон Саидахмедовна  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Жўраева Малоҳат Мухамадовна  
филология фанлари доктори, профессор

Юсупова Ҳилола Ўктамовна  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «20 сентябрь» соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (154 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «27» август кuni тарқатилди.  
(2022 йил «27» август даги 22-11 - рақамли реестр баённомаси).



**М.Қ.Бақоева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., доцент

**З.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё халқлари фольклорида эпик кўмакчилар ёки кўмакчи қаҳрамонлар образининг ҳомий культлар ҳақидаги қадимги мифологик қарашлар, ибтидоий тасаввуртушунчалар асосида бадиий образлантирилгани кузатилади. Барча халқлар фольклорида бундай образлар алоҳида ўринга эга бўлиб, кўпинча бадиий талқини ва тасвирида, эстетик вазифаларида ўхшашлик баробарида миллий ўзига хослик мавжудлиги аёнлашади. Айнан шу ҳолат уларни қиёсий фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўрганиб, инсоният эпик тафаккури тадрижининг босқичларига хос қонуниятларни очиш заруратини ва аҳамиятини кўрсатади.

Жаҳон фольклоршунослигида тарихий, ритуал-мифологик мактаблар эришган тажрибалар асосида қиёсий фольклоршуносликда инглиз ва ўзбек фольклори намуналарини таржима қилиш, улардаги ўхшаш ҳамда фарқли поэтик ҳодисаларнинг специфик ва миллий қирраларини аниқлаш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар салмоғи йилдан-йилга ортмоқда. Бунда эпик кўмакчи ёки кўмакчи қаҳрамонлар образининг инглиз ва ўзбек фольклоридаги ўрни, келиб чиқиш илдизлари, эволюцияси, мифологик, зооморфик, орнитоморфик, антропogоник кўринишдаги бадиий типлари, тасвирида бадиий тасвир воситаларининг қўлланиши, миллийликнинг ифодаси, бадиий вазифасидаги муштарак ва дифференциал жиҳатларни очиш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бу эса Ғарб ва Шарқ фольклори спецификасини белгилаб кўрсатиш учун муҳим ҳисобланади.

Юртимизда ҳар қачонгидан-да кенгроқ ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги юксалиш босқичида қадимдан маънавийтимизга мустаҳкам асос бўлиб келаётган фольклор асарларини янада чуқурроқ ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. “Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди”ки,<sup>1</sup> бу жиҳатдан халқ ижодидаги эпик кўмакчи қаҳрамонларнинг характер-хусусиятлари, асар сюжетидаги ўрни, бош қаҳрамон билан муносабати, бадиий-эстетик вазифалари, турли кўринишлари, тасвир ва талқин қилинишига алоқадор поэтик қонуниятларни қиёсий очиб бериш ўзбек фольклорини жаҳон фольклори контекстида ўрганиш имконини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2017 йил, 4 август.

фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида А.Аарне, С.Томпсон, К.Бриггс, Д.Д.Фрезер, Э.Тайлор, Д.Хаазе тадқиқотларида ҳомий культлар, тотемлар, эпик кўмакчилар ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар келтирилган.<sup>2</sup>

Инглиз олими М.Грин тадқиқотида кельтлар фольклори, мифологияси ҳақида фикр юритиб, кўмакчи қаҳрамон масаласига ҳам муносабат билдиради.<sup>3</sup> Инглиз олими Ш.Де Костер тадқиқотида ҳам бу масалага йўл-йўлакай муносабат кузатилади.<sup>4</sup>

Рус фольклоршунослигида В.Я.Пропп, Д.Зеленин, К.А.Богомоллова, В.Н.Басилов, Э.В.Померанцева, Е.М.Мелетенский, Г.П.Снесарев, О.А.Плахова, Н.В.Шурик, Л.В.Эпоева, Ю.М.Чуликов, А.Н.Цветкова, Ю.В.Елисеева, И.И.Тукаева каби олимларнинг тадқиқотларида ҳомий культлар, тотемлар, эпик кўмакчилар ҳақида фикр юритилгани кўзга ташланади.<sup>5</sup>

---

<sup>2</sup>Aarne Antti. The Types of Folktale: A Classification and Bibliography. – Helsinki: Finland, 1964. – 584 p.; Thompson Stith. Motif. – New York: Funk and Wagnalls, 1972. – 2497 p.; Thompson Stith. The Folktale. – New York: Holt, Rinehart and Winston, 2002. – 537 p.; Katherine M. Briggs. A Dictionary of British Folk-Tales in the English Language. Part A, Folk Narratives. 2 vols. – London: Routledge and Kegan Paul, 1970. – 522 p.; Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. Исследование магии и религии. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1983. – 703 с.; Фрезер Д.Д. Фольклор в Ветхом завете. 2-е изд. – М.: Политиздат, 1985. – 511 с.; Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – 573 с.; Haase Donald. The Greenwood Encyclopedia of Folk Tales and Fairy Tales. – London: Greenwood Press, 2008. – 1203 p.

<sup>3</sup>Green, Miranda. Animals in Celtic Life and Myth. London, 2002. – 304 p.

<sup>4</sup>Де Костер Ш. Легенда об Уленшпигеле (перевод с английского Н.М.Любимова). – М.: Терра, 1997. – 474 с.; Briggs K. British folk-tales and legends. – London and New York, 2002. – 415 p.; Yeats W.B. Fairy and Folk Tales of the Irish Peasantry. – Bountu, 2004. – 352 p.

<sup>5</sup>Пропп В.Я. Морфология сказки. – Ленинград, 1928. – 152 с.; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: изд-во ЛГУ, 1986. – 366 с.; Зеленин Д. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М. – Л., 1937. – 77 с.; Богомоллова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков. – Сталинабад, 1952. Выпуск 2. – С.109-120; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.; Померанцева Э.В. Мифологические персонажи в русском фольклоре. – М.: Наука, 1975. – 192 с.; Мелетенский Е.М. Поэтика мифа. – Т.: Наука, 1976. – 407 с.; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – С.154-155; Плахова О.А. Английские сказки в этнолингвистическом аспекте: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Нижний Новгород, 2007. – 25 с.; Шурик Н.В. Опыт лингвосомиотического анализа народной Британской волшебной сказки: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Иркутск, 2007. – 27 с.; Эпоева Л.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты



кўринишлари, генезиси, эстетик вазифаларидаги ўхшашликларни, миллий белгиларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ҳамда ўзбек фольклорида эпик кўмакчи қаҳрамон образининг ўрни ва генезисини, динамик поэтикаси (бадий эволюцияси)ни аниқлаш;

фольклорда бош ва кўмакчи қаҳрамоннинг ўрни, ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадий-эстетик вазифаларини очиб бериш;

халқ асарларида ҳомий кўмакчи қаҳрамонларнинг типлари: мифологик, зооморфик, орнитоморфик ва антропогоник ҳомий кўмакчилар сифатида мавжудлигини асослаш;

инглиз ҳамда ўзбек фольклорида эпик кўмакчилар тасвиридаги ўхшашлик ва дифференциалликни кўрсатиб бериш;

эпик кўмакчилар талқинида миллийликнинг ифодасини, уларнинг вазифадошлиги ва ўзига хос жиҳатлари борлигини далиллаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Диссертацияни ёзишда инглиз ҳамда ўзбек халқ афсона, эртак, эпослари асосий манба сифатида танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек эртакларидаги эпик кўмакчи қаҳрамонлар образининг эпик табиати, поэтик тасвири, эстетик талқинига хос хусусиятлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, ишда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий, аналитик ва этнофольклористик методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

инглиз ва ўзбек фольклоршунослигида “эпик кўмакчи” ва “кўмакчи қаҳрамон” тушунчаларининг поэтик моҳияти, иккала халқ фольклорида эпик кўмакчи қаҳрамонларнинг ўрни, бош қаҳрамон билан муносабати, бадий вазифаларини очиб бериш орқали инглиз ва ўзбек фольклоридаги мифологик, зооморфик (ҳайвон), орнитоморфик (қуш), антропогоник (инсон) қиёфадаги эпик кўмакчилар образи ифодаланишининг муштараклик касб этиши исботланган;

инглиз ва ўзбек халқ фольклоридаги афсона, эртак, дoston жанрларининг сюжети таркибида учрайдиган эпик кўмакчи, кўмакчи қаҳрамонлар образининг табиати, бадий-эстетик вазифаларидаги муштараклик ва фарқларни ёритиш орқали дунё халқлари эпик тафаккури тадрижининг ўзаро боғлиқликда ривожлангани асосланган;

халқ эртакларига хос эпик кўмакчи образи ва у билан боғлиқ мотивлар анъанавийлик касб этиб, бирининг иккинчисига кўчиши натижасида ўхшаш, сайёр сюжетли эртаклар пайдо бўлгани кузатилса-да, улардаги ўз миллий ўзанларига мос тарзда халқ руҳиятини, урф-одатларини, лингвогеографик, лингвомаданий, лингвопоэтик хусусиятларини ўзида намоён этиши аниқланган;

инглиз ҳамда ўзбек афсона, эртак ва эпосларида эпик кўмакчи қаҳрамонлар фольклор асари воқелигида муайян мавқени эгаллаши, жумладан, бош қаҳрамон характерини очиш, қаҳрамон ҳаракатланаётган ижтимоий муҳитни ёритишга хизмат қилиши каби бадий хусусиятлар

кўмакчи қаҳрамонларнинг бош қаҳрамонга нисбатан ёрдамчи вазифада келиши, эпик бош қаҳрамонга ҳар қандай шароитда, ҳар томонлама ёрдам бериши, уларнинг ғайритабиий куч-қудратга эга эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек халқ оғзаки эпик асарларида қаҳрамон масаласи, унинг бош ва кўмакчи қаҳрамон сифатидаги поэтик вазифалари, турли бадий типлари, афсона, эртак ва дostonларда инсонга ҳомий бўлиб келиши, бу жиҳатдан зооморф, орнитоморф қиёфадаги ҳомий кўмакчиларнинг ҳамда дев, пари каби мифологик, сеҳргар кампир ёки сеҳргар чол сингари антропогоник кўмакчиларнинг образлантирилиш асослари, эпик талқин хусусиятлари умумлаштирилган;

инглиз ва ўзбек фольклоридаги эпик кўмакчи қаҳрамоннинг тасвирланишига хос миллий ва бадий хусусиятлар, эволюцион жараёнлар, динамик поэтикаси, эстетик вазифаларидаги ўхшашликлар ҳозирги назарий тафаккур нуктаи назаридан ёритилган;

мифологик, зооморфик, орнитоморфик, антропогоник кўринишларни функционал таҳлил қилиш фольклоршунослик, адабиёт назарияси фанларидан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

инглиз ва ўзбек фольклоридаги эпик кўмакчи қаҳрамоннинг эртак, афсона ва эпос бадий сюжети шакллантиришдаги роли, ўрни, эпик табиатини белгилашдаги эстетик ва функционал жиҳатларни тадқиқ қилиш бугунги кунда ёш авлоднинг илмий тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, аналитик ва этнофольклористик методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар фольклорнинг эпик жанрларидаги анъанавий образларнинг динамик поэтикаси, бош қаҳрамонга эпик кўмакчи, ҳомий тимсоллар бадий талқинига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириши, уларнинг инглиз ва ўзбек халқ оғзаки ижодидаги тизими, типлари талқини ҳамда тасвирида ўхшашликлар борлигининг аниқланиши натижасида жаҳон фольклорининг поэтик тараққиёт тамойиллари, босқичлари, эпик қонуниятлари очиб берилгани билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга адабий-назарий маълумотлар беришда, жаҳон фольклорини ўргатишда, фольклоршунослик бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек фольклорида эпик кўмакчи талқини спецификасини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

“эпик кўмакчи” образи келиб чиқишининг тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асослари, эпик тадрижи, унинг инглиз ва ўзбек фольклоридаги тизимига оид илмий натижаларидан Навоий давлат педагогика институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 8887-1823/04-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётини ривожлантириш бўйича яратилган инновацион методика назарий асосининг мустақамланишига хизмат қилган;

эпик кўмакчи қаҳрамонлар образининг инглиз ва ўзбек афсона, эртак ва эпосларидаги специфик хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларда миллийликнинг ифодаси, халқ асарларида ҳомий кўмакчи қаҳрамонларнинг типлари: антропогоник, мифологик ва зооморфик ҳомий кўмакчилар сифатида мавжудлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига доир хулосаларидан Бухоро давлат университетида 2018-2019 йилларда бажарилган АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли “Китобхонлар клуби” (“Readers Club at the Department of the English Literature”) мавзусидаги фундаментал грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 29 июндаги 05-01-0318-сон маълумотномаси). Натижада ушбу материаллар “Китобхонлар клуби” аъзолари ўртасида кенг тарғиб этилиб, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга садоқат ва истиқлол ғояларига меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдиришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек фольклорида эпик кўмакчи қаҳрамонлар образининг тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асосларидаги яқинликлар, эпик кўмакчи қаҳрамонлар образининг инглиз ва ўзбек афсона, эртак, эпосларидаги специфик хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли қирралари, уларда миллийликнинг ифодаси хусусидаги хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларининг 2021 йил март ва апрель сонидagi сценарийсини тайёрлашда унумли фойдаланилган ҳолда тадқиқотчи олима билан бевосита суҳбат олиб борилган ва тадқиқотчи томонидан телетомошабинларга маълумотлар етказилган. (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 09 июндаги 1/162-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг инглиз ва ўзбек фольклорига хос хусусиятлари бўйича илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та республика, 6 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фольклорда эпик кўмакчи генезиси ва эволюцияси”** деб номланган биринчи боби тўрт фаслдан ташкил топган бўлиб, унинг илк фасли “Халқ оғзаки ижодида “эпик кўмакчи” ва “кўмакчи қаҳрамон” тушунчаларининг поэтик моҳияти” деб аталган. Дунёдаги барча халқларнинг эртақ ва дostonлари сюжетини ташкил қилган воқеликларнинг, асосан, эзгулик ғалабаси, ёвузлик устидан тантанаси кўринишида яхшилик билан яқунланиши маълум. Бундай бўлишида эса кўпинча эпик қаҳрамонга кутилмаганда ғойибдан ёки олдиндан бирор жонзотгами ё кишигами ёрдам бериб, уни нимадандир қутқариб қолганлиги, ёрдам кўрсатгани учун шу эзгу амали эвазига жавоб тариқасида илоҳий, ғайритабиий тарзда кўмак етказилиши мотиви алоҳида эътиборни тортади. Албатта, бу мотив асосида эпик кўмакчи образи туради. Қизиғи шундаки, эпик кўмакчилар инсон (антроморф), ҳайвон (зооморф), қуш (орнитоморф) ва ҳатто мифологик кўринишларда талқин қилинади.

Маълумки, афсона, эртақ ва дoston сингари эпик асарлар сюжети билан танишаётганда, хоҳлаймизми ё йўқми, кўпинча асосий эътибор бош қаҳрамонга қаратилади-ю, унга ёрдам бериб, мақсад-орзулари рўёбга чиқишида мададкор, сабабчи бўлган образ ва персонажлар сал назардан четга чиқиб қолади. Натижада улар иккинчи даражали қаҳрамонларга айланади. Бунга барча халқлар эртақларида учрайдиган инсон, ҳайвон, қуш ёки бошқа кўринишларга эга бўлган, асар бош қаҳрамонига зарур пайтда катта ёрдам кўрсатиб, унинг мақсади ушалишига беқиёс ҳисса қўшган образларни мисол қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, “эпик кўмакчи қаҳрамон” терминини қўллаш мумкин. Аммо ўзбек фольклоршуноси Жаббор Эшонқулов таъкидлаганидек: “Кўмакчи қаҳрамон” деган терминнинг қўлланилиши бироз баҳсталабдек туюлади, албатта. Бироқ, халқ оғзаки ижодида: хоҳ у афсона, хоҳ у эртақ, хоҳ у дoston бўлсин, асосий қаҳрамоннинг яқин

йўлдоши, ҳамроҳи, унинг ишларига, кўрсатган қаҳрамонликларига қайсидир даражада шерик бўладиган қатор персонажлар борки, бу тип қаҳрамонлар алоҳида ном билан аталишни тақазо қилади”.<sup>8</sup>

Бизнингча, “кўмакчи қаҳрамон”лар, одатда, ғайритабiiй феъл-атвори, кўриниши, характер-хусусиятлари билан ажралиб туриши ҳамда улар кўпинча халқ эпик асарларида келтирилиши нуқтаи назаридан “эпик” сифатловчисини қўллаган ҳолда янада аниқлаштириб, “эпик кўмакчи қаҳрамон” деган атамани қўллаш маъкулдир.

Инглиз фольклоршунослигида “эпик кўмакчи” термини “helpers” атамаси билан берилган.<sup>9</sup> Бунда “help”, яъни ёрдам бермоқ, кўмак бермоқ феълига “-er” шахс оти қўшимчасини қўшиш орқали “кўмакчи”, “ёрдамчи”, “мадад берувчи” маъносини ифодалаб келадиган “helper” оти ясалган. Ундан сўнг бу сўзга “-s” кўплик қўшимчасини қўшиш орқали “кўмакчилар” тушунчасини берувчи сўз ҳосил қилинган.

Эпик ижод намуналарида алоҳида тизимни ҳосил қилувчи бу каби қаҳрамонлар ўзига хос типик хусусиятларга, бадиий-эстетик вазифаларга эга бўлиб, уларни қуйидагилар орқали белгилаб кўрсатиш мумкин: 1. Сюжети романтик мазмунга, сеҳр-жоду, фантастикага асосланган эпик ижод (афсона, эртак, дoston каби) намуналарда ўзига хос ўрин тутди. 2. Бош қаҳрамон атрофида ҳаракатланади ва унинг хоҳиш-иродасига бўйсунди. 3. Бош қаҳрамон атрофидаги бошқа образлар билан боғлиқликда тасвирланади. 4. Сюжет воқеа-ҳодисалари ҳалқасини бирлаштиришга хизмат кўрсатади. 5. У орқали ёрдамлашиш, кўмаклашиш воситасида қаҳрамоннинг мушкулени осон қилиш, уни қийин вазиятлардан олиб чиқиш, зарур маслаҳат ва йўл-йўриқларни бериш, ҳатто ғаройиб предметларни тортиқ қилиш, яхшилиги эвазига тақдирлаш сингари муносабатларга асосланган мустақил эпик мотивлар шакллантирилади. 6. Бош қаҳрамонга эпик рақибларини (Ялмоғиз, дев, махлуқ, аждарҳо ва ҳоказо каби) енгишга кўмаклашади.

Эпик асардаги кўмакчи қаҳрамонлар икки типда намоён бўлади: а) фаол кўмакчи қаҳрамонлар; б) нофаол кўмакчи қаҳрамонлар. Фаол кўмакчи қаҳрамонлар асар сюжетида бош қаҳрамон билан баравар, узоқ ва жуда кўп фаолият кўрсатишади. Нофаол кўмакчи қаҳрамонлар вазифаси эса аниқ эмаслиги, уларнинг ўз атрофидаги воқеа-ҳодисаларга деярли аралашмаслиги, бефарқлиги кўриниб туради.

Кўмакчи қаҳрамоннинг бош қаҳрамон ҳаётидаги ўрнини қуйидагича белгилаб кўрсатиш мумкин: 1. Содик ҳамроҳ ёрдамчи. 2. Доимий маслаҳатгўй. 3. Ақлли ва топқир ёрдамчи. 4. Суюкли ёр.

Кўмакчи қаҳрамоннинг бош қаҳрамон олдидаги вазифалари: 1. Мифологик махлуқ шартини бажариб, унга ем бўлишдан қутилтириш. 2. Подшонинг қийин шартларини бажариб, унинг ярим подшолигини қўлга киритиши ҳамда қизига уйланишига ёрдамлашиш. 3. Юртни ҳимоялашга отланганда кўмаклашиш. 4. Асирликдан қутқариш. 5. Ўзга олам, Ер ости ёхуд

<sup>8</sup> Эшонқулов Ж. Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи // Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006. – Б.18.

<sup>9</sup> McCormick Ch.T., White K.K. Folklore. An Encyclopedia of Beliefs, Customs, Tales and Art. – England, 2011. – P.1090.

сув ости, ўликлар мулкига бориб қайтишида қўллаш, мададкорлик қилиш. 6. Ўлган қаҳрамонни тирилтириш. 7. Қаҳрамонни ўзга дунёга олиб бориб, олиб келиш. 8. Қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатиш.

Эпик асар сюжетида кўмакчи қаҳрамон пайдо бўлиши билан бош қаҳрамон “фаоллиги” сустлашади. Унинг “фаол”лигини кўмакчи қаҳрамон кўпроқ ўз зиммасига олади. Лекин бош қаҳрамон ҳам воқеалар саҳнасидан тўлиқ орқага чекинмайди. Қайтага иккала образ кучи бирлашиб, муқаррар ғалабани келтириб чиқаради. Е.Мелетинскийнинг фикрича, сеҳрли эртакларда куч ва омад сеҳрли кўмакчиларда мужассам бўлади ва улар бевосита бош қаҳрамон ўрнида ҳаракатланади.<sup>10</sup>

Эпик кўмакчилар жонли ва жонсиз кўмакчи бўлишига қараб иккига бўлинади: 1. Жонли кўмакчилар: сеҳргар кампир, сеҳргар чол, от, маймун, шер, балиқ, кушлар сингари ва ҳоказо. 2. Жонсиз кўмакчилар: пичоқ, доира, сув руҳлари, арфа, най, узук, пичоқ ва бошқалар. Масалан, “Кўк соқол” номли инглиз эртагида Жекнинг севган қизи унга истак узугини совға қилади. Шу узук кўмагида Жек уйига, севган ёрининг ҳузурига келади. “Catskin” (“Мушуктери”) эртагида мушук терисидан тикилган тўн қизнинг асли ким эканлигини ҳаммадан яширишга хизмат қилади. Алпомиш достонида ҳам шундай мотивни кузатиш мумкин.

Ҳар бир эпик қаҳрамон ва образ, ҳатто эпик персонаж оғзаки бадиий ижодда ўз ўрни ва вазифасига эга бўлгани каби кўмакчи қаҳрамон ҳам шундай хусусиятларга эгадир. Унинг ўрни эпик ижодда бевосита ўз вазифалари ва бадиий талқин хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Эпик кўмакчи” образининг келиб чиқиш асослари ва тадрижи” деб номланган. Фольклорда эпик кўмакчи образи келиб чиқишининг туб илдизлари жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Қадимдан одамлар руҳлар олами мавжудлигига ишониб, унга ўтиб боришнинг ўз восита ва воситачилари, кўмакчилари бор, деб тушуниб келганлар. Бундай тушунчалар қадимда яратилган айрим тарихий, диний, адабий манбаларда ҳам ўз аксини топган. Унга оид тушунчалар асосида “эпик кўмакчи” образининг келиб чиқиш асослари ва тадрижи куйидагиларга боғлиқ, деб ўйлаймиз: 1. Қадимги инсонларнинг анимизм (жон ва руҳ), нариги дунё, ўзга олам, унга йўл ҳақидаги диний-мифологик тасаввур-тушунчалари. 2. Руҳлар олами, Арвоҳлар ва Аждодлар культига эътиқоди. Масалан, “Жек ва унинг олтин тамакидони” (“Jack and his golden snuff-box”) эртагида отаси берган олтин қути ва қути ичидаги уч митти одам Жекнинг бошига тушган кулфатлардан қутқаради ва бахтли бўлишига кўмаклашади. Хусусан, марҳум она руҳининг ёруғ оламда ёлғизланиб етим қолган, хўрланган, ҳақоратланган фарзандига ҳомийлиги инглиз ва ўзбек эртакларида жуда кенг тарқалган анъанавий мотивлардан биридир. Бунда она руҳининг куш кўринишида (кўпинча каптар қиёфасида) намоён бўлиб, боласига ёрдам бериши кўп тасвирланади. Масалан, “Синдрелла”(“Cinderella”) эртагида ўлган онанинг руҳи қизини қўллаб-

<sup>10</sup> Мелетинский Е.М. О литературных архетипах. – Москва, 1994. – С. 27.

қувватлаб, унинг қирол саройидаги дабдабали баллга боришига, у ерда шаҳзода назарига тушиб, бахтга эришишига кўмаклашади. 3. Ўлган инсоннинг ўзга кўринишга (хайвон, қуш, жонивор, дарахт, гул кабиларга) эврилишига ишончи. Масалан, “The Rose tree” (“Атиргул дарахти”) эртагида бош қаҳрамоннинг руҳи оқ қуш кўринишига эврилиб, ўлдирилган қиз учун ўгай онасидан қасд олиб, унинг руҳи тинчланишига ёрдам беради. Эврилиш мотиви орқали яхшининг ёмонга, ёмоннинг яхшига эврилиши ҳам берилади. 4. Ибтидоий кишиларнинг марҳумларни шарафлаш, олқишлаш уларнинг ўз яқинларига ҳимоячи, ҳомий бўлишини таъминлайди деган маросимий қарашлари.<sup>11</sup> Мана шулар асосида барча халқлар орасида, аввало, аждодлар руҳи “буви”, “кампир” ёки “бобо” тимсолидаги ҳомий сифатида қаралиб, эпик асарларда кўмакчи қаҳрамон сифатида гавдалантирилгани кузатилади. Кўпинча, кекса ва нуруний кампир ё чол қиёфасида гавдалантирилган кўмакчи қаҳрамон образи аслида инсонларнинг дунёдан ўтган ўз аждодлари руҳига ҳомий культ даражасида қараш асосида келиб чиққан.<sup>12</sup> Е.Мелетинский фикрича, қадимги афсоналардаги кўриқчи-руҳлар вақтлар ўтиши билан қаҳрамоннинг сеҳрли кўмакчисига айланади. Этнографик ўзига хослигини йўқотиб, умумий поэтик характер касб этади, аввалига ўз аждодларини ҳимояловчи сеҳрли кучларни ўзида акс эттирса, кейинчалик адолатни қайта тикловчи эзгу фазилатларни намоён этади.<sup>13</sup>

Эпик асарларда кўмакчи қаҳрамоннинг бош қаҳрамондан нон ё ичкилик тиланиши ҳам шунчаки эмас. Бунинг асосида яна аждодлар культига ишонч излари ётгани кузатилади. Эртақларда кўпинча қаҳрамон олдидан кекса чол ё кампир чиқиб, ундан бирор егулик сўраши, агар қаҳрамон егулигини қизганса, бирор зарар кўриши талқини шундай асосларга эга.

Инсонлар сув ва оловни ўзига энг яқин ҳомий сифатида тасаввур қилишган. Шундай тасаввур-тушунчалар асосида эртақ ва дostonларда кўпинча инсонга сув ости кучларининг ҳомийлиги, сув парилари, балиқ ва қурбақаларнинг кўмаги, уларнинг инсон каби гапириб, инсон каби фикрлаб, ақл билан ҳаракатланиши талқин ва тасвир этилган.

Жаҳон халқлари эртақларида бош қаҳрамоннинг эпик рақиб томонидан савол-жавоб орқали синовдан ўтказилиши ва бунда эпик кўмакчининг ёрдамга келиши ҳам кенг тарқалган анъанавий мотивлар жумласидандир. Дунё халқлари эртақларида айнан подшо, юрт ҳукмдори томонидан берилган саволни ечолмаслик, топшириқни бажара олмаслик натижасида ўлимга ҳукм қилиниш, ўлдиртириш мотивлари бевосита ўликлар мамлақати ва унинг подшолари ҳақидаги диний-мифологик тушунчалар билан боғлиқдир.

<sup>11</sup> Имомов К. Ялмоғиз – жодугар образи талқинига доир // Исломо шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Т.: Фан, 1979. – Б.77-88; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б.115; Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Т., 1996. – Б.5.

<sup>12</sup> Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.183; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2005. – 120 б.

<sup>13</sup> Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: Академия исследования культуры, 2005. – С.14.

Фольклорда кўмакчи қаҳрамон образи шаклланишининг уч муҳим асоси бор: биринчиси – ибтидоий инсонларнинг ўзга олам ва унинг турфа кўринишли, ғайритабиий хусусиятли вакиллари ҳақидаги турли мифологик тасаввур-тушунчалари, ишонч-эътиқодлари; иккинчиси – шу каби мифологик тасаввур-тушунчалар ва қадимий ишонч-эътиқодлар асосида шаклланган турли халқона расм-русумлару удумлар; учинчиси – халқлар ва давлатлараро кечган турли урушлардан толиққан халқнинг ўзига руҳий мадад кутгани, мўъжиза юз бериб, ёмонликлардан қутулишни хоҳлагани ҳам сабаб бўлган.

“Инглиз фольклоридаги эпик кўмакчилар тизими” шу бобнинг учинчи фаслида ёритилган. Қаҳрамонлар тизими дейилганда, хусусан, асарда ҳаракатланувчи етакчи образларнинг жами тушунилади. Лекин фольклорда бундай қаҳрамонлар мифологик образлар, жониворлар, қушлар бўлиши ҳам мумкин. Инглиз оғзаки адабиётида ҳамда унинг таъсирида яратилган айрим ёзма асарларда кенг қўлланиб келинаётган эпик қаҳрамонлар борки, улар орасида эльф, брауни, пари, дев, гоблин, аждаҳо, сеҳргар чол ёки кампир учрайди. Улар гоҳ антроморф, гоҳ зооморф, гоҳ ғайритабиий антиқа кўринишларда намоён бўлиши билан эътиборни тортади.

Фольклоршунос олим Марк Александр эльфларга таъриф бериб, улар кичкина, хушчақчақ, яшил кийимли, ўзгача бош кийимли эканини, гуруҳ бўлиб яшаса-да, асосан браунидек уй ёрдамчиси (“domestic helper”) бўлиб келишини, агар унга янги кийим қолдириб кетилса, уйни ташлаб кетишини айтиб ўтади.<sup>14</sup> Д.Ҳаазе *брауниларга* хунуклигига қарамай, парилар ичида энг машҳур уй кўрикчилари (“helpers in the home”) эди, дея таъриф беради.<sup>15</sup>

*Гномлар*, асосан, одамларнинг боғида яшаб, кечкурун пайдо бўлиб, озроқ уй ишларини бажарадиган, омад келтирувчи руҳлар бўлиб, табиатан босиқ, совғаларни яхши кўрадиган содиқ дўст, уй кўрикчиси ва кўмакчилардир (“loyal allies, guardians, and helpers”).<sup>16</sup>

*Парилар* жуда садоқатли ва донишманд бўлишади.<sup>17</sup> Пари доимо ёрдамга тайёр, жонкуяр, инсонлардан кўра қобилиятли, яъни магик қудратга эга образдир. *Браунилар* (Brownie) кўнғир тусдаги уй кўрикчилари экани билан ажралиб туради. *Хобгоблинлар* ҳам уй кўрикчиларидан бўлиб, ўзининг вафодорлиги билан ажралиб туради. *Ларалар* инглиз фольклорига Рим мифологиясидан кириб келган бўлиб, асосан, уй кўрикчилари сифатида маълум бир хонадонларда яшаган ва ўша хонадоннинг вафот этган аъзолари руҳи деб қаралган. *Хоббитлар* (Hobbits)лар инглиз ижодиётида энг меҳрибон фаришталар образини ифодалайди.

Қиёсий мифология бўйича изланишлар олиб борган америкалик олим Ж.Кемпбелл кўмакчилар ҳақида фикр юритиб, мурожаатга бефарқ бўлмаган қаҳрамонга кичкина қари кампир ёки чол ёрдамга келади ва унга ҳимояловчи

<sup>14</sup> Marc Alexander. The Sutton companion to British Folklore, Myths and Legends. – UK: The History Press, 2013. – P. 335.

<sup>15</sup> Ўша манба: 68.

<sup>16</sup> Ўша манба: 335.

<sup>17</sup> Nazarova G.P. The comparative study of the image of Fairy in English and Uzbek oral/written literature. Theoretical and Applied Science. 2020. – P.285-288.

тумор такдим этади, дейди: “For those who have not refused the call, the first encounter of the hero-journey is with a protective figure (often a little old crone or old man) who provides the adventurer with amulets against the dragon forces he is about to pass”.<sup>18</sup>

Кўмакчи қаҳрамонлар аввал бош қаҳрамонга рақиб бўлиб, сўнгра унга бўйсунуши оқибатида ҳомийга айланиши мумкин. Мана шунинг учун уларни ҳомий ва рақиб образлари билан биргаликда тадқиқ этишга тўғри келади. Бу эса кўмакчи қаҳрамон вазифасида ҳам ҳомий, ҳам рақиб образларга хос қатор хусусиятлар ўз ифодасини топишини кўрсатади.

Инглиз халқ эртакларида мушук образи етакчи ўрин тутувчи зоонимик тимсоллардан биридир. У, асосан, кўмакчи образида келади. Англия ва Шотландия эртакларида мушук бутунлай салбий образда гавдалантирилиши кузатилмайди. Баъзан у ёвуз мавжудот бўлиб келса-да, барибир кўмакчи бўла олади.<sup>19</sup>

“Ўзбек фольклоридаги эпик кўмакчилар тизими” деб номланган тўртинчи фаслда ўзбек халқ асарларида кўмакчи образлар тизими ўрганилган. Бу жиҳатдан ўзбек афсона, эртак ва дostonларида кўпинча дев, пари, аждар, Семурғ, аранглар, эранлар, Хизр, Эр Ҳубби, Илёс ва ҳоказо сингари образлар алоҳида эътиборни тортади. Улардан аксариятининг қадимий асослари “Авесто”га бориб тақалади.<sup>20</sup>

М.Афзалов ўзбек фольклорида Хизрнинг пир-ҳомийлар тўғрисидаги халқ қарашларидан ўсиб чиққанлигини айтган.<sup>21</sup> Ғ.Акрамов эса Хизр образи аждодлар ҳомийлиги билан боғлиқ эътиқодлар ва шомонизм таъсирида юзага келганлигини таъкидлаган.<sup>22</sup> К.Имомов Хизр образининг гоҳ одам, гоҳ жонивор, гоҳ бирор буюм шаклида пайдо бўлиб, қаҳрамоннинг эзгулик йўлида ғалаба қозонишига кўмак беришини қайд этган.<sup>23</sup> М.Раҳмонова Хизрни абадий тирикликка эришган афсонавий персонаж сифатида кўрсатган.<sup>24</sup>

Эртакларда Ғ.Жалолов Хизрнинг эпик қаҳрамонни қўллаб-қувватловчи, мақсадга эриштирувчи, фарзандсизларга фарзанд инъом этувчи, умуман, эл мушкулини осон этувчи сифатида талқин этилишини айтиб ўтган бўлса,<sup>25</sup> унинг ўзбек халқ эртакларидаги эпик кўмакчи сифатидаги талқини Х.Эгамов томонидан ҳам эътироф этилган.<sup>26</sup> М.Жўраев Хизр образининг келиб чиқишини Ўрта Осиё халқлари мифологиясидаги “етти ҳомий” тимсолига

<sup>18</sup> Campbell, Joseph. The Hero with a Thousand Faces. –Princeton, NJ: Princeton University Press, 1973. –P.69.

<sup>19</sup> Утюпина О.В. Образ кошки в сказках и мифах народов мира. – Омск, 2005.

<sup>20</sup> Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.11-12.

<sup>21</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.: Фан, 1964. – Б.49.

<sup>22</sup> Акрамов Ғ. “Тўрўғли” туркумида мифологик образлар. / Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1978. – Б.184-194.

<sup>23</sup> Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 3-томлик. 2-том. – Т.: Фан, 1989. – Б.9.

<sup>24</sup> Раҳмонова М. Ўзбек халқ афсоналари бадиияти. – Т.: Фан, 2009. – 136 б.

<sup>25</sup> Жалолов Ғ.О. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976. – 90 б.

<sup>26</sup> Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 344 б.

боғлайди.<sup>27</sup> Дарҳақиқат, жуда кўп ўзбек афсона, эртақ, дostonлари сюжетида Хизр образига дуч келиш мумкин. Масалан, “Кулса–гул, йиғласа–дур” эртагида Хизрнинг бош қаҳрамонга ёрдамчи бўлиб келиши кузатилади. “Қирқ куёв” эртагида чол кўринишидаги Хизр ҳозир бўлиб, эртақ қаҳрамонларига йўл-йўриқ кўрсатади.

Хубби образи дарё сувининг мўл-кўллигини таъминловчи ҳомий сифатида тасаввур қилинган. Хубби дарё ҳокими ёки ҳомийси, сувни тошириб, одамларга зиён етказувчи кучлар билан курашувчи мифологик персонаж сифатида талқин қилинган.<sup>28</sup>

Ўзбек оғзаки адабиёти намуналарида парилар вафодор аёл, дўст, маслаҳатгўй, ақлу фаросатда, жасоратда ва обрўда кўпинча эркаклардан ҳам қолишмайдиган, ҳатто ўз ёри билан бирга жангларга кириб қаҳрамонлик кўрсата оладиган образ сифатида тасвирланган бўлса, инглиз афсона ва эртақларида, парилар кичкина, қанотларини силкитиб учадиган, кўлларида сеҳрли таёқчаси бор, ёқимтой ва меҳрибон образ, ўзбек афсоналарида улар ниҳоятда гўзал, ўта ақлли, латофатли ва назокатли аёл кўринишида намоён этилади. Эпик кўмакчилар образи инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётида ўзига хос турлича кўринишларда, характерли хусусиятларда талқин этилган. Шунга кўра, ҳар иккала халқ фольклори ва ёзма адабиётида улар алоҳида ўринга эга.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек фольклоридаги эпик кўмакчиларнинг бадий типлари”** номли уч фаслдан таркиб топган иккинчи боби илк қисми “Мифологик кўмакчилар” деб аталган. Фольклор асарларида кўмакчи қаҳрамоннинг бир неча хил турлари учрайди. Бу жиҳатдан уларни қуйидагича бўлиб ўрганиш мумкин. Булар: 1. Мифологик (ибтидоий инсонларнинг хаёлий тасаввур-тушунчалари асосида пайдо бўлган ғаройиб кўринишли ва хусусиятли) кўмакчилар. 2. Зооморфик (хайвон қиёфасидаги) кўмакчилар. 3. Орнитоморфик (қуш қиёфасидаги) кўмакчилар. 4. Антропogоник (инсон қиёфасидаги) кўмакчилар.

Жаҳон халқлари эртақларида мифологик кўмакчиларнинг бир неча типлари учрайди. Булар: а) дев кўмакчи; б) пари кўмакчи; с) махлуқ кўмакчи; д) улкан ёки митти кўринишдаги кўмакчилар. Уларнинг эпик кўмакчи вазифаси “Қаҳрамон”, “Сеҳрли шамчирок” номли ўзбек, “Jack and his golden snuff-box” (“Жек ва унинг олтин тамакидони”), “Tom Tit Tot” (“Том Тит Тот”) номли инглиз халқ эртақлари таҳлили мисолида кўриб чиқилди. Масалан, “Том Тит Тот” инглиз халқ эртагида эпик кўмакчига “a small little black thing with a long tail”, яъни “кичкина қора узун думли нарса” деб таъриф берилишидан унга хос салбий бўёқдорликни англаш мумкин.

Д.Ҳаазе сеҳрли кўмакчилар образини чуқур таҳлил қилиб, улар инсон, хайвон ёки мўъжизавий кўринишда намоён бўлишини, қаҳрамонга ғайритабiiй ёрдам беришини ва улар халқ асарларида муҳим роль ўйнашини

<sup>27</sup> Жўраев М. Хизр // Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. (Ш.Шомусаров билан ҳамкорликда). – Т.: Фан, 2001. – Б.104-118.

<sup>28</sup> Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.31.

таъкидлайди: “A magic helper is a character, whether supernatural, human, or animal, who renders an extraordinary kind of assistance to heroes or heroines in folktales and other related narrative forms. The role played by magic helpers is a favorite building block in many fantastic oral stories”<sup>29</sup>.

Фольклоршунос олимлар Элизабет Эрнст ва Жейн Гарри халқ асарларидаги мўъжизавий кўмакчиларни тадқиқ этиб, улар дев ёки махлук, қутқарилгани учун миннатдор бўлган махлук, рух, фаришта, маъбуд ёки арвоҳ кўринишида келишини айтади: “There are many supernatural helpers, including giants or ogres, monsters grateful to the hero for being spared, genies or spirits, angels, and deities, some are ghosts. In tales the world over, a hero or heroine meets up with one or more helpers who provide crucial services on a quest or journey.”<sup>30</sup>

Умуман олганда, мифологик образлар ибтидоий инсонларнинг хаёлий тасаввур-тушунчалари асосида шаклланган бўлиб, ғаройиб кўриниши ва хусусияти, катта-кичиклиги, гўзал ёки тасқара қиёфада тасвирланиши билан ажралиб туради.

Иккинчи бобнинг “Зооморфик ҳамда орнитоморфик эпик кўмакчилар” деб ном олган иккинчи фаслида инглиз ва ўзбек фольклорида ҳайвон ва қуш кўринишидаги кўмакчилар таҳлил қилинган. Зеро, инсонлар сиғиниб келган тотем (аждод ҳайвон) ва культ кўринишидаги ҳайвонларнинг номлари билан боғлиқ кўмакчилар дунё халқлари эртақларида кўп учрайди. Шунингдек, уларни инглиз ва ўзбек эртақларида ҳам кўп учратиш мумкин. Бўри, от, туя, шер, айиқ, маймун, ит, мушук каби ҳайвонлар, балиқ, қурбақа, чумоли, қуён, сичқон, қуш ва бошқа сингари жонзотлар шулар жумласидандир. Улар кўпинча ё яхши, ё ёмон хусусиятда тасвирланиши кузатилади. Бу эса инглиз ва ўзбек эртақларига баравар хос хусусиятлардан биридир. Ўзбек халқ эртақларида айиқ, қуён, балиқ, туя, қуш каби ҳайвонлар, инглизларда балиқ, қуш, от кўринишидаги ҳайвон культи кузатилади. Масалан, “Бир кўзга бир атиргул” номли инглиз халқ эртагида бош қаҳрамон бўлмиш ўғай қизга ўрмондаги қария ва от ёрдам беради. Уларнинг ёрдами билан қиз кўзлари қайтариб олади ва ўлимдан омон қолади.

Ҳамма эртақда ҳам кўмакчи қаҳрамон қатнашмаслиги мумкин, аммо эпик рақиб бўлади. Бунда кўмакчи қаҳрамон номи сарлавҳада акс этиши ёки акс этмаслиги мумкин (“Олтин балиқ”, “Олтин кийик”, “Чўлоқ бўри”, “Илон оға”), бош қаҳрамон кўмакчиси эса бир нафар, ёки бир неча бўлиши мумкин.

Ўзбек фольклоршунослигида А.Тилавов от образини<sup>31</sup>, Д.Файзиева илон образини<sup>32</sup> махсус тадқиқ этди. М.Жўраев бўри, Анқо қуш, итнинг<sup>33</sup>,

<sup>29</sup>Haase Donald. The Greenwood Encyclopedia of Folk Tales and Fairy Tales. – London: Greenwood Press, 2008. – P. 596.

<sup>30</sup> Sharpe M.E. Archetypes and motifs in Folklore and Literature. A Handbook. – USA, 2005. –P. 330.

<sup>31</sup>Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2000. – 24 б.

<sup>32</sup> Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиий талқини): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2004. – 22 б.

Д.Ўраева эса туянинг<sup>34</sup> инсонларга эпик ҳомий бўлиб келиши хусусида ўз мақолаларида тўхталиб ўтишди.

Бургутнинг кўмакчи образида келиши шомонизм билан боғлиқ. Қадимда осмон қироли саналган бургут шомонни ҳимоя қилган, унга доимий ҳамроҳ, ёрдамчи вазифасида талқин қилинган.

Ўзбек фольклорида қуш кўринишидаги кўмакчиларга Семурғ, Анқо, лайлак, ғоз кабиларни мисол қилиш мумкин. Халқ эртакларида кўпинча афсонавий қушлар патини тутатиш орқали ғайриоддий кўмакка эришиш мотиви туркий халқлар эртакчилигида кенг тарқалган.

“Олтин тарвуз”, “Ур тўқмоқ” эртакларида лайлакнинг кекса чолга ҳомийлик қилиши бадиий акс эттирилган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “Антропogоник кўмакчи қаҳрамонлар” деб номланган бўлиб, унда инсон кўринишидаги эпик кўмакчилар таҳлил этилади. Бундай кўмакчи қаҳрамонлар бир неча кўринишда намоён бўлади. Булар: а) авлиё кўмакчилар; б) жангчи кўмакчилар; в) оддий инсон кўринишидаги кўмакчилардир.

Антропogоник эпик кўмакчиларни гендерлик томонидан эркак ва аёл кўринишидаги кўмакчиларга ажратиб ўрганиш мумкин. Жумладан, “Қизил Эттин” (“The Red Ettin”), “Оқ хоним”, “Митти брауни” (“Little Brownie”) каби инглиз эртакларида эпик кўмакчилар аёл, “Биннори” (“Binnorie”), “Сеҳрли шоҳ”, “Жек девларни маҳв этувчи” (“Jack the Giant killer”), “Чайльд Роланд” (“Childe Rowland”), “Том бошбармоқ тарихи” (“The History of Tom Thumb”) эртакларида эса эркак кўринишида учрайди.

Инсон қиёфасидаги эпик кўмакчилар ёшига қараб ҳам фарқланади. Бунга кўра уларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин: 1. *Кекса ёшдаги эпик кўмакчилар*: а) қари кампир кўринишидаги эпик кўмакчи; б) қари, мўйсафид чол кўринишидаги эпик кўмакчи. Масалан, “Ўтинчи чол” номли ўзбек халқ эртакларида бир чол Додни дарёдан кўзини юндириб, олиб ўтади. “Jack the Giant Killer” номли инглиз эртакларида якунида соч-соқоли оппоқ бир чол Жекка сеҳрланган одамларни сеҳр-жодудан халос этиш йўлини ўргатиб, кўмак бериши тасвирланса, “Фойдали битим” эртакларида чолдан маслаҳат олган Билли Неш ўз ерларига фақат ўзи эгалик қилишга эришади.

“Childe Rowland” (“Чайльд Роланд”) эртакларида сеҳргар Мерлин бош қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатади, уларга амал қилган Чайльд Роланд ўз опасини ва акаларини сеҳр-жодудан қутқаради. “The Laidly Worm of Spindleston Heugh” (“Спиндлстон қояси аждарҳоси”) эртакларида эса 33 нафар жангчи рицар Чайльд Уиндга опаси Маргаретни қутқаришда кўмак беради.

“The Red Ettin” (“Қизил Эттин”) эртакларида ботир йигитнинг йўлида учраган кампир егулик сўраганида, кенжа ўғил бунга бажонидил рози бўлиб, онаси йўлига ёпиб берган ноннинг катта қисмини у билан баҳам кўради. Бунинг эвазига эса кампир унга сеҳрли таёқ беради. Шу таёқ ёрдамида йигит

<sup>33</sup> Жўраев М. Бўри ҳақидаги қадимги мифлар ва ўзбек фольклори / Адабиёт гулшани. – Т.: Меҳнат, 1999. – Б.8-17; яна: “Анқо” образи талқинига доир баъзи мулоҳазалар. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. – №2. – Б.52-54.

<sup>34</sup> Ўраева Д. Ўзбек фольклорида туя култи билан боғлиқ қарашлар. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2012. – № 5. – Б.44-48.

махлукни енгиб, акасини тирилтиради. “The black bull of Norroway” эртагида ўрмонда очликдан тинкаси куриган кенжа қиз бир кулбага келиб қолади. Унда яшовчи қари кампир қизга бошпана, егулик ва учта ёнғоқ бериб, йўлни кўрсатиб қўяди ва омад тилайди. Қиз севгилисини топиб, уч ёнғоқдан бирмабир чиққан париларни кундошига совға қилади ва эвазига севгилиси ёнида тунаб, унинг сеҳрдан халос бўлишига эришади. “Мислабу” номли ўзбек халқ эртагида Мислабуни излаб чиққан ошиқ подшога бир сеҳргар кампир раҳми келиб ёрдам беради. У подшони дастлаб, каптарга, кейин олмага, айлантиради. Акс ҳолда, подшо девларга ем бўлиши мумкин эди.

2. *Ёш кўринишидаги эпик кўмакчилар*: а) йигит ёшидаги эпик кўмакчи; б) ёш қиз (пари қиз) кўринишидаги эпик кўмакчи. Масалан, “Оқ хоним” эртагида аввал куён кўринишида бўлган пари ёш қизга айланади ва ёмон рухлардан ҳимоя қилган кампирга яхшилик қилади. Кампирнинг товуклари ҳар куни иккитадан тухум қўядиган, сиғири икки пақирдан сут берадиган бўлиб, бутун умр тўқчиликда яшайди.

Подшо образи бош қаҳрамон, рақиб ёки кўмакчи кўринишларида келиши мумкинлигини Д.Хаазе ўз тадқиқотларида айтиб ўтади: “Kings are vital to folktales and fairy tales. While the individual characters may vary, they can be divided into three categories: kings as protagonists, kings as villains, and kings as helpers.”<sup>35</sup>

